


 Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 12 (11.323)

Баҳоси эркин нархда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

СОҒЛОМ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ
ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ОҚСАРОЙДА 16 ЯНВАРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАИСЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Болалар спортини соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар фарзандларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда. Бу эса жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ соғлом авлодни тарбиялаш келажагимизни таъминлашнинг муҳим омилidir. Шу боис мамлакатимизда жисмонан ва маънаван соғлом, ҳеч қандай кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастурийлашмал бўлиб турибди.

— Спорт — соғлом авлод, соғлом келажақ дегандир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, — деди Президентимиз.

Ҳомийлик кенгашининг аввалги йиғилишда маҳаллий корхоналарда тайёрланадиган спорт ускуна ва анжомлари, спорт кийимлари ва жиҳозларининг ҳажон андозалари талабларига тўла мос бўлишига эришиш, уларнинг сифатини баҳолайдиган махсус комиссия тузиш, спорт жиҳозлари ва кийимларининг доимий кўргазмасини ташкил этиш, болалар спортини мураббийлари, хусусан, хотин-қиз мураббийларини тайёрлаш самардорлигини ошириш вазифалари белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил қилинди. Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Оммавий спортини, аynиқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилибди. 2003 йили мамлакатимизда 97 спорт иншооти қурилган бўлса, 2008 йили 186 спорт мажмуи бўлиб қурилди. Шундан 162 таси қишлоқларда қурилди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган "2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт заллари учун зарур спорт жиҳозлари рўйхати ишлаб чиқилди. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига икки миллиондан сўмликдан зиёд спорт кийимлари берилди. 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотларининг 166 тасини мактаб

спорт заллари ташкил этиди. Улардан фойдаланиш самардорлиги қандай? Йиғилишда ана шу масалалар атрофлича таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичларини баҳолайдиган ягона тизим яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан 2008 йили спорт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи дунёнинг бир қатор етакчи корхоналари билан ҳамкорликда доимий фаолият юритувчи кўргазма ташкил этилди.

Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуккур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Болалар спортини объектларини жиҳозлаш учун зарур 120 хил инвентардан 118 хилини юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Бу борада қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳали кўп, — деди Президентимиз. — Жумладан, спорт анжомлари ишлаб чиқариш, мактаб спорт залларини жиҳозлаш нормативларини қайтадан кўриб чиқишимиз лозим. Мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди. Эндиги асосий вазифа ана шу иншоотларни ҳажон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Мамлакатимизда оммавий, шу жумладан, футбол, бадий гимнастика сингари спорт турлари изчил ривожланмоқда. 2003 йилда болалар секциялари ва клубларда 8 спорт тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт мажмуаларининг жиҳозлаш даражаси спортнинг йигирмадан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида, турли спорт секциялари ҳамда клубларида спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда. Бу борада Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Тошкент вилоятларидаги кўрсаткичлар эътиборга моликдир.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишохотлар, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор халқаро спорт мусобақаларида баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи тимсолида ўз натижаларини намойиш этмоқда.

2008 йил турли спорт анжуманлари, барчамизга гуруҳ ва ифтихор бағишлайдиган галабаларга бой йил бўлди. Жумладан, Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзи Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз фаол қатнашиб, кескин курашларда битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Аси чемпионати мусобақаларида муносиб иштирок этиб, 2009 йили Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш

ҳуқуқини қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

2008 йилда ўтган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган 423 нафар ёш спортчимиз 17 олтин, 15 кумуш ва 15 бронза медални қўлга киритди.

Тахлиллар ва эришилган натижалар шунини кўрсатадики, ёшларимиз орасида футбол, мини-футбол, стол теннис, сузиш, байдарка ва канозда эшак эшиш, академик эшак эшиш, шахмат, бадий гимнастика, кураш, белбоғли кураш, юнон-рум кураши, бокс, акробатика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси томонидан 2008 йилда ўтказилган спорт тадбирларида қарийб бир миллион нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди. "Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ ўтказилган "Соғлом оила" спорт мусобақаларида минглаб оилалар фаол иштирок этди.

Президентимиз қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашушни талаб этаётганини таъкидлади. Шу маънода кейинги йилларда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда.

Ўртбосимиз болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун аynиқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътибор қаратишни тақозо этишини таъкидлади.

— Келажақ авлоднинг соғлом бўлиши аввало айлга боғлиқ. Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажақ, — деди Ислам Каримов. — Ҳеч қандай кам бўлмайдиган авлодни вояга етказиш асосий вазифаларимиздандир.

Президентимиз жойлардаги мутасадди раҳбарлар мактабларда спортини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш давлат аҳамиятига молик масала эканини янада тeранoқ аnглaмoғи лoзимлигини қайд этди.

Йиғилишда 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли топириқлар берилди.

Йиғилишда Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Қурилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев, халқ таълими вазирининг ўринбосари — Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси ижрочи директори А.Очилов ва айрим вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланган.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Тадбиркорлик

ДОИМИЙ ИЗЛАНИШ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «PGS» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ЎЗ САМАРАЛИ МЕҲНАТИ БИЛАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЛАБЛАРИДАН ҚИЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ДОИМИЙ ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛИК ЯРАТИШ, МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАР ҚАНДАЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИГА, БОЗОРДА ЎЗ МУНОСИБ ЎРНИНИ ТОПИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИШИНИ ИСОБЛАМОҚДА.

Ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаган, жорий йилда янада юксак марраларни кўзлаган ҳолда меҳнат қилаётган мазкур хусусий корхона ишчи-хизматчилари ҳозирда 28 турдаги электр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларнинг харидорлигини таъминлашмоқда. Барча маҳсулотлар ишлашда қулайлиги, сифати юқорилиги, электр қувватининг кам сарфланиши, нисбатан арзонлиги билан бошқа ишлаб чиқарувчилар товарларидан алоҳида ажралиб туради. Ўтган йилнинг ўзида шундай маҳсулотлардан уч турдаги янги маъиш калорифер ҳамда кичик нонвой-хона ички бозоримизга чиқарилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «PGS» хусусий корхонаси экологик тоза маҳсулотлари билан мижозларни мамнун этади. Ҳақимжон Солихов олган суратлар

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси билан Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинар бўлиб ўтди. Унда суд қарорлари ижросини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда кўмита назоратидаги қонунларда назарда тутилган ҳавола нормаларининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари ва агентликларнинг ҳисоботлари тингланди.

• Фарғона шаҳрида Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинар бўлиб ўтмоқда.

• Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Энг яхши Янги йил табрикномаси» ҳамда «Эрталар сюжетни асосида чиқилган суратлар» мавзусидаги болалар ижодиёти танлови қолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• Богот туманидаги «КОТОНТЕХ» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Сўнгги бир йил давомида бу ерда жами 2 миллиард 201 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиги — 1 миллион 366 минг АҚШ долларлик калава-ип хорижа экспорт қилинди.

• Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш жамиятлари федерацияси академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» учинчи республика танловини ўтказди.

• Республика Байналмилал маданият марказида хитой, дунган ва уйғур маданияти маркази ташаббуси билан биродарлик байрам кечаси ташкил этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек ва хитой халқлари ўртасида икки томонлама алоқаларининг узок ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлиги, бу аynиқса мустақиллик йилларида янгича қийфа касб этгани ҳақида тўхталиб ўтилди.



ЖАҲОНДА

• Ниҳоят Ҳазо секторида тинчлик ўрнатилганига ўхшайди. Зеро, Фаластиннинг ХАМАС гуруҳи Исроилга қарши ракета зарбалари беришни тўхтатганини эълон қилди ва исроилликлардан бир ҳафта ичида Ҳазо секторини тарк этишни сўради. Ўз навбатида Исроил ҳарбийларининг ҳам Ҳазо секторини аста-секин тарк этишлари маълум қилинди.

• Расмий Қоҳира Исроил ва Фаластин гуруҳларини 22 январда Миср воситачилигида Ҳазо секторида тинчлик ўрнатиш юзасидан алоҳида учрашувлар ўтказишга даъват этди.

• Россиянинг «Газпром» компаниясининг расмий вакили С.Куприянов «Газпром» ва «Нафтогаз Украины» компаниялари ўртасида Украинага газ етказиб бериш юзасидан шартнома ҳамда Россия газини Украина орқали транзит қилиш бўйича битим имзолаш учун тайёрланганини билдирди. Куприяновнинг сўзларига қараганда мазкур ҳужжатлар бугун имзоланиши керак.

• Кеча Янги Зеландияда Рихтер шкаласи бўйича 6,7 баллик ер силкиниши содир бўлди. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

• Кеча Сомали пойтахтида жангариларнинг Африка Иттифоқи тинчликпарвар кучларига ҳужум уюштириши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

• Венесуэла Ҳазо секторида кўплаб қурбонларга сабаб бўлаётган ҳарбий операцияларни амалга ошираётганлиги учун Исроил билан барча дипломатик алоқаларини узди.

• Жаҳондаги электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Япониянинг Sony корпорацияси кейинги 14 йил ичида ilk бор 2008 йилда зарар кўриб ишлади. Маълумотларга кўра ушбу компаниянинг соф йўқотишлари ўтган йили 10 миллиард иен (1,12 миллиард доллар) микдорни ташкил этган.

• Португалия пойтахти Лиссабон шаҳри маъмурули шаҳар бюджетини тарихий қасрларни сотишдан тушадиган маблағ ҳисобига тўлдиришга қарор қилишди. Сотувга XVIII-XIX асрларда қурилган, нархи 400 мингдан 4 миллион еврогача бўлган олтинта ноёб бино қўйилган бўлиб, уларнинг энг қиммати 4 миллион еврога баҳолаган Palacio Pansas Pains қасри бўлди.

• АҚШ молия вазири лавозимига номзод Тимоти Гайтнернинг солиқларни тўламасликка интилиш одати маълум бўлиб қолди. Маълумотларга кўра Гайтнер 2001 йилдан 2004 йилгача бўлган даврда умумий қиймати 34 минг долларлик солиқларни кам тўлаган. Қизиги шундаки, юзага келган қарзни у молия вазири лавозимига номзод сифатида кўрсатилишдан олдин тўлаб бўлган.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ШАВКАТ ЖАМОЛОВ УШБУ МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ СУСИЛО БАМБАНГ ЮДХОЁНОГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПИРДИ.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Индонезия Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Индонезия Республикаси Президенти Суслило Бамбанг Юдхоёно Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли йўналишлардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

«Жаҳон» АА

Қисқа сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар ходимлар малакасини ошириш мақсадида ўқув курси ташкил этилди.

• **ЎЗБЕК**-япон марказида профессионал менежмент дастури доирасидаги ўқув курси-

нинг тақдироти бўлиб ўтди.

• **ГЛИЭР** номли республика мусиқага ихтисослаштирилган академик-лицейда Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорли-

гида ўқувчилар, ўқитувчилар, партия фаоллари иштирокида уюштирил-

ган тадбир «Ватанни ардоқла — бурчингни оқла» деб номланди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Ватанпарварликни чинакам эътиқодга айлантирайлик» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза машинасозлар касб-хунар коллежида ўқувчилар ўртасида ўтказилган

«Қувноқлар ва зукколар» беллашуви Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

• **БУГУН** Миробод туманидаги Гафур Фулом номи маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари, курслар, тўғарақлар раҳбарлари ҳамда қатнашчиларнинг устоз санъаткор Зоҳиджон Маҳмудов билан учрашуви ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МЮНСТЕРДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁХЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Тадбирда Мюнстер шаҳри ва Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ерида жойлашган сайёхлик фирмалари, турли ташкилотлар ҳамда туризм соҳасига ихтисослашган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тақдимот доирасида «Studiosus Gruppenreisen GmbH» сайёхлик фирмаси вакили, географ-этнограф Кристофер Малер маъруза килди. Немис муносабатида Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-сотиқ ва маданият алмашишувини ривожлантиришга кўмаклашиш орқали дунё тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этди. Айтиб ўтиш жоиз, Мюнстер аҳолиси ўз шаҳрининг замона-

Вестфалиянинг машҳур Мюнстер шаҳрида Ўзбекистон сайёхлик салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди. У «Studiosus Gruppenreisen GmbH» сайёхлик фирмаси ва «AWO-Treff» ташкилоти томонидан мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

вий бинолар уйғунлашиб кетган меъморий меросига жуда эътиёткорона қарашар экан. Олимнинг фикрича, минтақанинг бошқа давлатларидан Ўзбекистоннинг ажралиб турадиган энг асосий бойликларида бир — бу ерда турли хил тарихий меъморий обидаларнинг кўпчилигидир. Уларнинг аксарияти жаҳон маданий меросида муҳим ўрин тутди. Бу эса, Ўзбекистонда сайёхликни ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим омилдир. Зеро хорижлик, айниқса, европалик сайёхларни айнаиб аҳамиятга эга бўлган диққатга сазовор ёдгор-

ликлар кўпроқ қизиқтиради. Ўз навбатида, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тарихий-маданий ёдгорликларни авайлаб-асраш, уларни қайта тиклаш ҳамда сайёхлик соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар қайд этилди. Хусусан, ҳозирги вақтда ўз мижозларига кенг қамровли хизматлар ва сифатли хизмат кўрсатиш турларини тақлиф этаётган сайёхлик фирмалари фаолиятини кенгайтириш ва жадаллаштириш учун барча имкониятлар яратиб берилгани айтиб ўтилди.

«Studiosus Gruppenreisen

GmbH» вакили Ўзбекистоннинг табиати, ҳушманзара жойлари ҳақида батафсил тўхталиб, бундай масканлар сайёхлар учун ўта жозибадор эканлигини таъкидлади. Немис олими хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотувчи ўзбек халқининг бой анъаналарига, одамларнинг меҳмондўстлиги ва самимийлигига алоҳида урғу берди. Тақдимот доирасида «Ўзбекистон ҳазиналари» фильми ҳамда немис сурааткаши Йохен Брюкнинг Ўзбекистон тўғрисидаги фотосуратлари кўргазмаси намоийиш этилди. Й. Брюк ўз таассуротлари билан ўртоқлаша туриб, ўтган

йили сайёхлар гуруҳи таркибида илк бор Ўзбекистонда бўлган вақтида юртимизнинг табиати ва манзарасининг ранг-баранглиги, меъморий обидаларнинг гўзаллиги, шунингдек, ўзбек халқининг ўз жозибаси билан ажралиб турувчи бой урф-одатлари ва анъаналаридан нийоятда таъсирланганини айтди. Унинг эътирофи эътишча, ушбу таассуротлар уни Ўзбекистон тўғрисидаги фото-коллекцияни яратишга ундаган.

Ўзбекистонга сафари чоғида у 800 га яқин фотосуратлар олган. Й. Брюк фотокўргазмани ташкил этишда суратларни саралаш жараёни анча мушкул кечгани, бунинг сабаби Ўзбекистонда олинган суратлар гўзаллиги ва таассуротга бойлиги жиҳатидан бир биридан асло қолишмаслигини самимий таъкидлади.

«Жаҳон» АА,
Берлин

Иқтисодиёт

МУНОСИБ
БАҲОЛАНМОҚДА

ПОЙТАХТЛИКЛАРГА ЯХШИ ТАНИЛГАН «ШИРИН ДУНЁ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОА АҲЛИНИНГ СИФАТЛИ, БИР-БИРИДАН МАЗАЛИ, ЧИРОЙЛИ БЕЗАКЛАНГАН ХУШТАЪМ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ КОРХОНА ТАДБИРКОРЛАРИ, ҚАНДОЛАТПАЗЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ, КАСБ-МАҲОРАТЛАРИ ВА АЛБАТТА, ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯ, ДАСТГОҲ ВА УСКУНАЛАР ШАРОФАТИДИР.

2003 йилдан буюн фаолият юритаётган мазкур корхонада ҳозирда 70 нафардан зиёд (аввалига 17 нафар ишчи-хизматчилардан иборат жамоа иш бошлагани, бугунга келиб Самарқанд шаҳрида ҳам кичик корхона мавжуд) ўз касбининг усталари янги йилда ҳам янгича ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Бунда юртимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисобланган хорижий сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароит, ҳуқуқий ҳимоя муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирда мазкур қўшма корхона цехларида ўрнатилган Эрон давлатининг юксак самарали технологик линияси, дастгоҳ ва ускуналар мададида қандолатчилар 50 турдан ортиқ сифатли маҳсулот — торт, пирожний, печенье, вафлиларни «Ширин дунё» савдо белгиси билан тайёрлаб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилишмоқда. Улар корхонанинг бешта фирмали дўконлари ҳамда 40 та савдо нуқталарида харидорғир ширинликларни ҳамшаҳарларимизга етказиб беришмоқда.

Жорий йилда ҳам ушбу корхона тадбиркорлари ички бозоримизни чўқур ўрганишлари, доимий изланишлари орқали сифатли маҳсулотлари турларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратишни эзгу мақсад қилишган.

ХУНАРДАН РИЗҚ
УНАР

ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН КАСБ-ХУНАР ЭГАЛЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТМАГАН. БОИСИ, БИЛИМ ОЛИШ БИЛАН БИРГА, БИРОН ХУНАРГА ҚИЗИҚИШ ТУФАЙЛИ, УНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАШ УЧУН ОЗМУНЧА ЗАҲМАТ ЧЕКИЛМАЙДИ, КЎНИКМА ҲАМ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ. ҚУВОНАРЛИСИ, ЁШЛАРИМИЗ ЖУДА ҚИЗИҚУВЧАН, ТАШАББУСКОР, ЯНГИЛИККА ЎЧ ҲАМДА ИЗЛАНУВЧАНДИР.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган хунари гўзаллар орасида Ирода Норматованиннг ўз муносиби ўрни бор. У ҳозирда момоларимиздан мерос қолган жуда гўзал, ўта нозик, қадимийлиги билан алоҳида ажралиб турувчи хунари — каштачилик билан шуғулланади. Маҳаллий матоларимиз бўлган адрас, бўз, сатинлардан фойдаланган ҳолда бир-биридан гўзал, қўрган қўларни қувнатадиган — ҳар бир қатига ўзгача сеҳр, меҳр хо бўлган палак, жойнамоз, сўзана, ёстиқчилд, сумка, гилоф (қўл телефонлари учун), ҳамёнча каби анъанавийлик билан замонавийлик ўзаро уйғунлашган маҳсулотлар хунароманд қизнинг меҳнати маҳсули ҳисобланади. Жумладан, буюртма асосида уй-жой жиҳозлари, рўзғор анжонларини бетақор қилиб кўрсатишда уста хунароманднинг яратган турли аксессуарлари ўзгача тароват ва файзга эгаллиги билан миллий қадриятларимиз янада эъзоз топишига хизмат қилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

БОЛАЛАР ҲАҚИДА
ҒАМХЎРЛИК

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 130-МАКТАБДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИГА ЯНГИ ЎҚУВ ЧОРАГИ БОШИДА ҚИШКИ КИЙИМ, ПОЙАБЗАЛ ҲАМДА СПОРТ ЛИБОСЛАРИ ВА КРОССОВКАЛАРНИ СОВҒА ҚИЛДИ.

Бу каби хайрия тадбирлари жамғарманиннг мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол ривожланиши, мукаммал билим олиши, қобилиятини намоён этиши учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга ошираётган ишларининг бир қисми ҳисобланади. Бу борада нафақат пойтахтда, балки барча вилоятларда қўллаб-йўлдош танловлар, фестиваллар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҲАМДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА ЮРТИМИЗДАГИ УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМЛАДГАИ ИШЛАР ЎҚУВЧИЛАР ТАЪЛИМИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА.

Мактабларда ўқитилаётган турли хил фан олимпиадалари, танловлар, мусобақалар ўқувчиларнинг билим ва маҳоратларини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан умумтаълим фан олимпиадаларининг туман босқичини ўтказиш ягона жадвали тузилиб, барча туман халқ таълими бўлиmlарига етказилди. Жорий йилнинг 4-9 январь кунлари жадвал асосида туман халқ таълими бўлиmlари томонидан умумтаълим фан олимпиадаларининг туман босқичи (фанлар кесимида) ўтказилди.

— Шаҳар умумий ўрта таълим мактабларида умумтаълим фан олимпиадалари бўйича 17 та фандан жами 9810 нафар 9-синф ўқувчилари иштирок этдилар, — дейди Тошкент шаҳар

Миллий дастур — амалда
ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ
ЯКУНИГА ЕТДИ

Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази директори Б. Арслонов. — Бу жаъми 9-синф (35306 нафар) ўқувчиларининг 27 фоизини ташкил этди. Фанлар кесимида совринли ўринларни эгаллаган иштирокчилар сони эса 511 нафарни ташкил этди. Олимпиадага тайёргарлик жараёнида барча шарт-шароитлар яратилиб, аудиториялар, лаборатория хоналари ва зарур жиҳозлар, техник воситалар (компьютер, принтер, нуска кўпайтириш аппарати) тайёрланди. Шунингдек, химия, биология ва физика фанларидан лаборатория

иши учун зарур асбоблар ва жиҳозлар жамланди. Шунини айтиш жоизки, олимпиада жараёнида ҳар бир фан йўналиши бўйича белгиланган хоналарга аудитория раҳбари ҳамда назоратчилар (бошланғич синф ўқитувчилари) қўрға ташлаш йўли билан танлаб олинди. Фанлар бўйича (ёзма иш, тест, оғзак) ўтказилган олимпиада муваффақиятли якунланди. Ғолиб чиққан 173 нафар 9-синф ўқувчилари республика фан олимпиадаси учинчи шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Қувонарлиси шуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2008

йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарорида Республика фан олимпиадаларида иштирок этиб, шаҳар босқичида 1-5-ўринларни (76 балдан юқори бал тўплаган бўлса) эгаллаган иштирокчилар ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасаларига ўқишга имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу албатта мамлакатимизда истеъодли ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъодларини юзага чиқариш ва келгусида ўз йўналишлари бўйича етук мутахассис бўлиб етиштирилишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ёшларимиз бундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда келажагимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишадилар деб ўйлаймиз.

Гулором ҲАМИДОВА

Ёшлар — келажагимиз

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

УЛҒАЙИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАРГА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ДАРАЖАДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, ИСТЕЪДОЛИ ЁШЛАРНИ ҚИДРИБ, УЛАРИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ҚАТОР МЕЪЁРИЙ ҲУҶЖАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛГАНИ ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН ДАЛОЛАТДИР.

Бугунги кунда ёшларимизни маънавий ва руҳий жиҳатдан юқори савияда ривожланган, ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, миллий, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маданий бой меросимизни, авлод-аждодаларимизнинг тарихи, маданиятини чўқур ўрганиш, интеллектуал салоҳиятини юксак даражада ривожлантириш — муҳим йўналишлардандир.

Пойтахтимизнинг бошқа корхоналари қаторида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси шахсий таркиби томонидан ҳам ёшлар камолоти йўлидаги вазифаларини бажарилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, бир неча маротаба Маънавият ва тарғибот маркази раҳбари ва ходимлари иштирокида дастурда қўзланган мақсадлар ва вазифалар ўқув маш-

улотларида шахсий таркибга кенг ёритиб берилляпти. Шу билан бир қаторда бугунги кунда ёшларимизнинг жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган даражада тақомиллаштирилган кенг йўл очилиб, шарт-шароитлар яратиб берилаётганини ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ҳар бир соҳа вакиллари каби Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг ўзига яраша касбий хусусияти мавжуд бўлиб, соҳада ўз маҳоратларини оширишга эътибор қаратган ёшларимиз бугунги кунда она-Ватанга садоқат билан хизмат қилиб ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Айни пайтда бошқарма шахсий таркибининг 70 фоизидан кўпини ёшларимиз ташкил қилади. Бошқармада фао-

лият кўрсатаётган ёшларимиз ўзларининг касбий, амалий, ижтимоий, ҳуқуқий билим савияларини оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кунда ёшларимизнинг турли соҳаларда ўз билим, қўнимчаларини ривожлантириш, турли касб эгаси бўлишлари, билимларини янада чўқур равишда тақомиллаштиришга ҳукуматимиз томонидан шарт-шароитлар яратиб берилгани бежиз эмас.

Бошқарма раҳбарияти, хизмат бошликлари ёш ходимларимизнинг касбий маҳоратини ошириш ва уларни ўз касбларига меҳр-муҳаббат билан ёндошиш, Ўзбекистон деяр аталмиш хонажон Ватанмизга сидқидилдан хизмат кўрсатиш, инсонларнинг ҳавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни бажаришга ўта масъулият билан ёндошиш хислатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдалар.

Бошқарма ёшлари бугунги кунда ўз касбларининг етук эгаси бўлганликларидан ҳамда ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда унга муносиб бўлишга интилоқдалар.

Саломат СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кадрлар ва тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ВА ГРИППГА
ҚАРШИ КУРАШ

Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ўтказилган учрашув ўқувчи-ёшларнинг тиббий саводхонлигини янада ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мутахассисларнинг эътирофича, биргина кимёвий элемент — йоднинг етишмаслиги инсоният учун жиддий ҳавф туғдиради. Йод элементининг инсон организмидеги ўрнини бошқа ҳеч қайси бир модда тўлдирга олмайди. У моддалар алмашинувчи, асаб тизими, мия фаолиятини тартибга солиш каби муҳим ҳаётий вазифаларни бажаради. Болаларда ўсиш, жисмоний ва ақлий жиҳатдан шаклланишда йоднинг аҳамияти

бекиёс. Йод танқислигининг ташки белгиларида ақол намоён бўладиган жиҳати йўқ. Йод танқислиги билан оғриган беморларда ҳолсизлик, иштаха пасайиши, иссиқ ва совуққа таъсирчанлигининг ортishi кузатилади.

Хусусан, сўбат давомида ўқувчилар йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш борасида нималарга амал қилиш зарурлиги юзасидан бир қатор маълумотга эга бўлишди. Тадбирда инсон учун энг буюк неъмат биринчи тинчлик бўлса, иккинчи сыхат-саломатлик эканлиги, ҳар бир киши ўз соғлиғи учун қайғуриши, соғлом тур-

ПОЙТАХТДАГИ 173-МАКТАБДА «ЙОД ТАНҚИСЛИГИНИНГ ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДАГИ АҲАМИЯТИ», «ГРИПП ПРОФИЛАКТИКАСИ» МАВЗУЛАРИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

муш тарзи ва гигиена талабларига риоя этиши лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, йод танқислиги натижасида юзага келадиغان бўқоқ касаллигининг олдини олиш ва профилактикаси хусусида мутахассислар томонидан атрофчила маълумот берилди.

Мазкур касалликларнинг олдини олиш учун йодланган минерал туз, хурмо, ёнғоқ, бундан ташқари, таркибида йод микдори юқори бўлган маҳсулотларни кекса ёшдаги

инсонлар, аёллар ва болалар кўпроқ истеъмол қилиши зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Маълумки, қиш мавсумида аҳоли ўртасида грипп ва шунга ўхшаш юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши кузатилади. Ўтказилган тадбирда ўқувчиларга грипп вирус тарқалишининг олдини олишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ҳам зарур маълумотлар берилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

(Ўз мухбиримиз)

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК



Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий ёрдамини аҳолига янада яқинлаштириш, профилактика, диагностика ва даволаш ишлари самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, замонавий тиббиёт масканлари бунёд этилиб, замон талабларига жавоб берадиган тиббий жиҳозлар билан таъминланаётганлиги барчамизни қувонтиради албатта. Буларнинг бари аҳоли саломатлигини янада мустахкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятlidir.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Янги йил арафасида Чилонзор туманида яна бир тиббиёт маскани

қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага кирди. Шаҳар 5-сонли юкумли касалликлар клиник шифохонаси ушбу тумандаги Арнапоя кўчасида жойлашган бўлиб, 1998 йилда олдинги 6-шаҳар сома-ти шифохонаси ўрнида ташкил топган. Шифохона иш бошлаган вақтлар 1 та олти қаватли даволаш биносидан, 5 та бир қаватли барак туридаги таъмирлаб холатидаги эски бинолардан иборат эди.

— Шифохонанинг даволаш биносидан вирус-ли гепатитлар ва ўткир юкумли ичак касаллик-лари билан оғриган беморлар даволанади, — дейди шаҳар 5-сонли юкумли касалликлар кли-ник шифохонаси бош шифокори Салима Валиева. — Шифохонамиз

200 ўринга мўлжалланган, бундан ташқари 6 та реанимацион беморлар ўрни мавжуд. Биринчи бўлим вирусли гепатит А билан оғриган болалар, иккинчи бўлим ўткир юкумли ичак касалликлар билан оғриган беморлар, учинчи бўлим ўткир ва сўрункали вирусли гепатит В ва С билан касалланган беморлар, тўртинчи бўлим вирусли гепатит А билан оғриган болалар, бешинчи бўлимда вирусли гепатит А билан оғриган катталар ҳамда ташхис бўлими ташхис аниқланмаган беморлар учун мўлжалланган. Реанимация бўлимида интенсив ва реанимацион давога мўҳтож беморлар учун сунъий нафас аппарати, электросўргич, кардиомонитор, ЭКГ, УФОК, УЗИ, ИФА-ана-

Тиббиёт масканларида

ИСПОХОТЛАР САМАРАСИ

лизатори, биокимёвий анализатори каби бир қатор аппаратлар мавжуд. Бир қаватли биноларда қуйидаги бўлимлар жойлашган: клиник-биокимёвий лаборатория, дорихона, марказлашган стерилизация бўлими, дезкамера, ошхона ва бошқа маъмурий хизматлар шўр жумласидан. Шуни қувонч билан айтиш керак, шифохонамизнинг юқорида кўрсатилган бўлимлари учун «Global Project Menegment Inc» компанияси инвестициялар хисобига замон талабларига жавоб берадиган 2 та бино бир йил мобайнида янгитдан барпо қилиниб ва фойдаланишга топширилди. Замонавий қиёфага кирган шифохонамизда бугунги кунда беморлар учун бўлим вирусли гепатит А билан оғриган болалар, бешинчи бўлимда вирусли гепатит А билан оғриган катталар ҳамда ташхис бўлими ташхис аниқланмаган беморлар учун мўлжалланган. Реанимация бўлимида интенсив ва реанимацион давога мўҳтож беморлар учун сунъий нафас аппарати, электросўргич, кардиомонитор, ЭКГ, УФОК, УЗИ, ИФА-ана-

лизатори, биокимёвий анализатори каби бир қатор аппаратлар мавжуд. Бир қаватли биноларда қуйидаги бўлимлар жойлашган: клиник-биокимёвий лаборатория, дорихона, марказлашган стерилизация бўлими, дезкамера, ошхона ва бошқа маъмурий хизматлар шўр жумласидан. Шуни қувонч билан айтиш керак, шифохонамизнинг юқорида кўрсатилган бўлимлари учун «Global Project Menegment Inc» компанияси инвестициялар хисобига замон талабларига жавоб берадиган 2 та бино бир йил мобайнида янгитдан барпо қилиниб ва фойдаланишга топширилди. Замонавий қиёфага кирган шифохонамизда бугунги кунда беморлар учун бўлим вирусли гепатит А билан оғриган болалар, бешинчи бўлимда вирусли гепатит А билан оғриган катталар ҳамда ташхис бўлими ташхис аниқланмаган беморлар учун мўлжалланган. Реанимация бўлимида интенсив ва реанимацион давога мўҳтож беморлар учун сунъий нафас аппарати, электросўргич, кардиомонитор, ЭКГ, УФОК, УЗИ, ИФА-ана-

лизатори, биокимёвий анализатори каби бир қатор аппаратлар мавжуд. Бир қаватли биноларда қуйидаги бўлимлар жойлашган: клиник-биокимёвий лаборатория, дорихона, марказлашган стерилизация бўлими, дезкамера, ошхона ва бошқа маъмурий хизматлар шўр жумласидан. Шуни қувонч билан айтиш керак, шифохонамизнинг юқорида кўрсатилган бўлимлари учун «Global Project Menegment Inc» компанияси инвестициялар хисобига замон талабларига жавоб берадиган 2 та бино бир йил мобайнида янгитдан барпо қилиниб ва фойдаланишга топширилди. Замонавий қиёфага кирган шифохонамизда бугунги кунда беморлар учун бўлим вирусли гепатит А билан оғриган болалар, бешинчи бўлимда вирусли гепатит А билан оғриган катталар ҳамда ташхис бўлими ташхис аниқланмаган беморлар учун мўлжалланган. Реанимация бўлимида интенсив ва реанимацион давога мўҳтож беморлар учун сунъий нафас аппарати, электросўргич, кардиомонитор, ЭКГ, УФОК, УЗИ, ИФА-ана-

лизатори, биокимёвий анализатори каби бир қатор аппаратлар мавжуд. Бир қаватли биноларда қуйидаги бўлимлар жойлашган: клиник-биокимёвий лаборатория, дорихона, марказлашган стерилизация бўлими, дезкамера, ошхона ва бошқа маъмурий хизматлар шўр жумласидан. Шуни қувонч билан айтиш керак, шифохонамизнинг юқорида кўрсатилган бўлимлари учун «Global Project Menegment Inc» компанияси инвестициялар хисобига замон талабларига жавоб берадиган 2 та бино бир йил мобайнида янгитдан барпо қилиниб ва фойдаланишга топширилди. Замонавий қиёфага кирган шифохонамизда бугунги кунда беморлар учун бўлим вирусли гепатит А билан оғриган болалар, бешинчи бўлимда вирусли гепатит А билан оғриган катталар ҳамда ташхис бўлими ташхис аниқланмаган беморлар учун мўлжалланган. Реанимация бўлимида интенсив ва реанимацион давога мўҳтож беморлар учун сунъий нафас аппарати, электросўргич, кардиомонитор, ЭКГ, УФОК, УЗИ, ИФА-ана-

ХАР БИР КАСБНИНГ ЎЗИГА ЯРАША МАШАҚҚАТИ, ЗАҲМАТИ БОР АЛБАТТА. ШУНДАЙ СОҶА ЭГАЛАРИ БОРКИ, ТУНУ КҮН ХАЛҚ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАЛАР. ҲАМШИРАЛИК АНА ШУНДАЙ КАСЕЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.

Миннатдорлик

КЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН...

Ҳамшира деганда аввало кўз ўнгимизда оқ халатли кўли енгил, сўзи ширин, қақсон, меҳрибон касб эгалари намоён бўлади. Улар шифохоналарда, поликлиникаларда ҳаммага беморлар атрофида парвона бўлиб, уларга зарур бўлган муолажаларни адо этиб, дардларига малҳам бўлмоқдалар. Раҳмату олқишларини олишмоқда. Мана шундай ўз касбияга меҳр қўйган, беморлар саломатлигига масъулият билан қарайдиган ҳамширалардан бири Гулнора Курбоновадир. Мировот туманидаги 1-оилавий поликлиники-

када кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган Гулнорахонни нафакат, ҳамкасблари, балки ўзи истиқомат қиладиган кўп қаватли уй ва ён-атрофдаги маҳалла аҳли яхши танишадди. У ҳақда гап очилса, кўпчилик «Барака топсин, кўли енгил ҳамшира» дейишади. Кўни-кўшичлари доимо у ҳақда мамнуният билан шундай фикрларни билдиришади: «Яхши ҳам шу Гулнорахон бор, уйимизда бирор касанинг туби қочиб, укол олшимиз керак бўлса ёки қон босимимиз ошса, ҳамшира қидириб юрмаймиз, дарҳол уни

қақирамиз. Қачон қақирсақ зудлик билан ёрдамга чиқади, керакли тиббий маслаҳатлар беради, барака топсин» дейишади.

Дарҳақиқат доимо юзидан табассум аримайдиган, очик чеҳрали, беморларга жонқуярлик билан қарайдиган бу тиниб-тинчимас ҳамширани эрта тонгда ҳам, кеч қоронғусида ҳам қўчада учратиш мумкин. Қаердан келаяпти, деб сўрасангиз, кимгадир укол қилиб ёки кимнингдир қон босимини ўлчаб қайтаётганлигини айтиди. Ундан ёрдам сўраб келганларга ҳеч қачон йўқ демайди. Дардига малҳам бўлишга шошилади. Шу боис кўпчилик унинг оқсидан «Кўли дард кўрмасин, омон бўлсин» дея дуо қилиб, алқашади.

Албатта, ҳар бир инсон меҳнати оқсидан эъзоз топиша, раҳмат эшитиша, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Гулнорахон ҳам ана шундай касбидан эъзоз толаётган, касбини ўзи учун шараф деб биладиган ҳамширалардан.

Дилфуза ШОКИРОВА

КЎНГИЛАР ТАСКИН ТОПМОҚДА

РЕСПУБЛИКА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ СИҲАТҲОҲИ «ТОВОҚСОЙ»ГА ДАВОЛАНИШ УЧУН КЕЛСАНГИЗ, СИЗНИ АЗИЗ МЕҲМОНДАЙ КУТИБ ОЛИШАДИ. БУ ДАРГОҲГА КИРИШИНГИЗ ЗАҲОТИ ҚАБУЛХОНА ХОДИМЛАРИ ҲИЛОЛАХОН ҲАКИМОВА, САЙЁРАХОН БАҲОДИРОВА ВА БУ ЕРДА УЗОҚ ВАҚТЛАРДАН БУЁН ИШЛАБ КЕЛАЁТГАН НАЗОКАТХОН ТУРСУНБОВЕВАЛАРИНГ ИЛИҚ МУОМАЛАСИДАН ХУШНУД БЎЛАСИЗ.

Ташхисга биноан даволанувчиларга шифокор томонидан тайинланган муолажаларни олишда тиббий ҳамшираларнинг хизмати бекиёсллигини таъкидлаш жоиз. Уларнинг аксарияти ёшлар. Улар тиббий асбоб-ускуналар имкониятларидан унмולי фойдаланиб, даволанувчиларнинг дарддан фориғ бўлишлари ва саломатликларини тиклаш йўлида сидикидилдан меҳнат қилишмоқда.

«Ҳамшира — 2007» республика кўрик-танловига нуфузли ўринлардан бирини эгаллаган Озодхон Ибрагимованинг кўлидан кунига 200 нафарга ақин беморлар муолажа олиб, дарди енгиллашмоқда. Ҳамширалар Камолатхон Турсунбоева, Ҳилола Қулинова, Дилрабо Тўйчиева, Зулфияхон Турсунбоева, Шахло Сарттаеваларнинг ишчанлиги, хушбўйлиги ва хушмуомалаларидан мижозлар қўнгли таскин топмоқда.

Сихатгоҳда кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлаётган шифокорлар қаторида юрак хасталиқлари бўйича мутахассис-кардиолог Махсума Фуломова ҳам бор. Мен бу шифокор аёлни олти йилдан буён биламан. Ҳар сафар шу даргоҳга келсам, у кишининг назорати остида даволанаман, дардимга шифо топаман. Шу боис ҳам, ҳокисор ва ғамхўр бу шифокор ҳақида ёзмок ниятим борлигини айтганимда, Махсумахон одатдаги мулоим табассуми билан «бу ерда мендан тажрибалироқ шифокорлар жуда кўп. Олий тоифадаги шифокор Салимахон Рисметова, Шоирахон Холметова ва бошқалар бор. Улар ҳақида ёзсангиз арзийди», — деди камтарлик билан.

Дарҳақиқат Махсумахон ёш бўлса-да, анча тажрибага эга мулоим муомалали ва очик чеҳрали шифокор. Қабулига кирган киши билан хотиржам суҳбатлашиб, дилига йўл топади, аниқ ташхис қўйишга эришади. Шу-

нинг учун муолажалар натижаси самарали бўлади. Мана, ўн олти кун мобайнида даволаниб, дарддан қутулиб, уйимга қайтапман. Махсумахонга чин дилдан раҳмат дейман.

Сихатгоҳда Фотима опа Қаҳҳорова билан учрашиб қолдим. Бухоро вилоятининг Вобкент тумани Найман қишлоғидан келибдилар. — Биласизми, — дедилар опа суҳбатда, — мен бу ерга 2008 йил 6 сентябрда букчайиб кириб келдим. Нега десангиз, белим оғриди, оёқ-кўл бўйимларининг зирқиллашини айтмайсизми. Босган қадамим дардга дард қўшиб, ёруғ дунёни зимистонга айлантириб юборарди. Қабулхонадан тўғри Махсумахон Фуломованинг олдирига бордим. Барака топкур, очик чеҳра билан қарши олиб, курсига ўтказди. Хол-аҳвол сўради. Эринмай, шошилмай, нима бевозта қилаётгани ва оғриқ қай йўсинда кечаётганини сўраб, сўриштирди. Дардимни дўхтирлар тилида «артроз» дейишарди. Устига устак, буйрагимнинг ҳам анчагина иллати бор экан. Тўғри қўйилган ташхис, дори-дармон, хилма-хил муолажалар, қолаверса, яхши сўз, яхши муомала менинг дардимга малҳам бўлди. Аллоҳга шукр, белим, буйрак ва оёқ-қўлларим дарддан фориғ бўлди. Кўриб турибсиз, соппа-соғман. Шифокоримнинг умри узоқ бўлсин.

Сихатгоҳнинг «Ташаккурнома ва шикоятлар дафтари»ни варақлаганимизда, хуш муомала, чеҳраси очик, сўзлари ширин ва мулоим, даволанувчиларнинг шодлиғи-ю, қай-ғусига шерик бўлишни афзал қўрадиган Махсума Фуломованинг шаънига айтилган самими ва илиқ сўзларга кўзимиз тушди.

Набижон ХОЖИМАТОВ, Бектемир тумани, меҳнат фахрийси

Мутахассис маслаҳати

ГЎДАКНИ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНТИРИНГ

ХАР БИР АЁЛ ОНА ДЕБ АТАЛМИШ УЛУҒ ВА МУҚАДДАС НОМГА МУЯССАР БЎЛГАН, УНИНГ УЧУН ФАРЗАНД ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ, ЖОНИ-ҲАҲОНИ, ЮРАГИНИНГ БИР БЎЛАГИГА АЙЛНАДИ. ҲАҲОНИ ФАРЗАНДИНИНГ СОҒЛОМ БЎЛИШ ҲАЁТИНИ ИСТАДИ. КЎП ҲОЛЛАРДА, АЙНИҚСА БИРИНЧИ ФАРЗАНДИНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА ЁШ ОНАЛАР БИРОЗ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧ КЕЛИШАДИ.

Бу болани бир ёшга қандай овқатлантириш масаласидир. Шу боис ёш оналарга бир ёшга бўлган гўдакни овқатлантириш борасида қуйидагиларни маслаҳат берамиз.

Бола ҳаётининг биринчи олти ойи давомида онанинг кўкрак сuti унинг ўсиб, ривожланиши учун керак бўладиган ягона овқатдир. Бола туғилган дан сўнг уни иложи борица тезроқ кўкракка тутказиш керак. Оғиз сuti деб аталувчи кўкракдан чиқадиган биринчи сuti болани ҳар хил инфекциялардан ҳимоя қилиш учун айниқса муҳимдир. Гўдакка унинг эҳтиёжига қараб, кунига камида 8-10 марта, кечаси эса камида 2-3 марта кўкрак сuti бериш она сutiнинг етарли миқдорда ишлаб чиқишига ёрдам беради. Дастлабки олти ой давомида кўкрак сuti таркибида бола учун зарур бўлган барча моддалар бўлади. Бундан ташқари болага ҳеч нарса берманг. Ушбу давр давомида фақат кўкрак сuti (орада қайнаган сув бериш) билан боқиш, уни камқонлик, диарея ва бошқа касалликлардан ҳимоя қилиди.

Боланинг тез ва соғлом ўсишига ёрдам бериш учун бола болалар учун махсус чиқарилган темир препаратларини шифокор кўрсатмасига қўра бериш керак. Тўрт ойлик бўлганда болага қўшимча олма, қизил саёзи шарабидан ярим чой қорикдан бошлаб бера болаш мумкин. Тахминан 6 ойликдан бошлаб болага турли хил қўшимча овқатлар берилиши лозим. Чўнки кўкрак сuti таркибидаги темир моддаси ва озиқали моддалар миқдори унинг ўсиши ва ривожланиши учун етарли бўлмай қолади. Шунда ҳам иложи борица гўдакни кўкрак сuti билан боқиши давом эттириш зарур. Болага бериладиган овқатни алоҳида тайёрлаш лозим. Булар албатта қайнатмалли бўлиб гўшт ва сабзавотлар яхшилаб эзиб мулоим ва осон ҳазм бўладиган пюре ҳолида бериш тавсия этилади. Шунга эътибор қилиш керакки, болага твдор, тухум сариги, ёрмалар, мева ва сабзавотлар, сўнг гўшт бериш лозим. Камқонлиқнинг олдини олиш учун гўдакка оз миқдорда эзилган ёёсиз гўштни бутқа, сабзавот ва гуручга қўшиб берилса маъсудга мувофиқ бўлади. Тўққиз ойликдан кичик бўлган болага сут ва сут махсулатларини беришда эҳтиёт бўлинг. Чўнки улар бола ошқозони ва буйракларига зарар етказиши, аллергияга сабаб бўлиши мумкин. 7-9 ойдан бошлаб сузма, твдор, қатиқни оз-оздан бериш керак. Шунингдек, олти ойликдан каттароқ болага таркибида йод бўлган препаратлар бериш тавсия этилади. Ёсалиб ўтамиз, боланинг соғлом ўсиши десангиз, аввало албатта кўкрак сuti билан боқинг ва шифокор-педиатр кўрсатмалари ва маслаҳатлари руқ қилинг.

Сева НОСИРОВА,

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи



СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Хўрматли тахририят, менинг икки фарзандим ногирон туғилган. Бунинг асосини ёлғиз ўзим биламан. Илтимос, «Саломатлик — туман бойлик» саҳифагизда тўғма нуқсонларга олиб келувчи сабаблар ҳақида ёш оналарга мутахассис маслаҳатини берсангиз.

Сабохат Маҳкамова,

Сергели тумани.

Авалло шунга айтиш жоизки, соғлом онадан — соғлом фарзанд дунёга келади, албатта. Шунингдек, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, вақтида тўғри овқатланиш, спорт билан шуғулланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, онлангир қувончи, орзу умиди бўлган фарзандинг носоғлом, ногирон туғилиши бу ота-она учун қайғули ҳолдир. Шу боис ота-оналар, ёш оналар, турмуш бўсағасидаги қизлар ушбу кўрсатмаларга амал қилишлари ниҳоятда муҳимдир.

Болаларда тўғма нуқсонларга олиб келувчи сабаблар: аввало носоғлом турмуш тарзи (спиртли ичимликлар ичиш, гивёандлик, айрим дори моддаларини қабул қилиш) ҳамда чекиш, турмушда ишлатиладиган қимёвий моддалардан фойдаланиш (заҳарли қимёвий буюмлар, бўёқ ва уни суюлтирувчи воситалар, бензин ва нефть махсулотлари), радиоактив, электромагнит нуриланшлар, аёллардаги эндокрин касалликлар сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек аёлнинг ҳомиладорлик вақтида нотўғри овқатланиши (оқсил ҳамда витамин ва минералларга бой бўлмаган озиқ моддаларни истеъмол қилиш), эр-хотиндаги сурункали юкумли касалликлар шулар жумласидандир. Тўғма нуқсон билан туғи-

лининг олдини олиш учун тератевт, эндокринолог, гинеколог, уролог ва генетик сингари мутахассисларга мурожаат қилиш керак. Мазкур мутахассислар оилада нуқсонли ва ногирон фарзандлар дунёга келишининг хатар даражасини аниқлаб, оилани оғоҳлантирадлар ва эр-хотини соғломлаштириш режаларини ишлаб чиқардилар.

Шунга ёддан чиқармаслик керакки, ногирон, нуқсонли болалар туғилиш хавфи юқори бўлган оилалар албатта ҳомиладорликдан олдин тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Қуйидаги ҳолатларда аёллар ҳомиладорликдан олдин нуқсон билан туғилишини олдини олиш мақсадида шифокорлар кўригидан ўтишлари шарт, яъни аёлнинг ёши 35 дан катта бўлса, касбга оид зарарли омиллар аниқланса, аввалги ҳомиладорликда ҳомила туғилиши ёки ўлик туғилиши кузатилган бўлса, бешушлик ҳолатида, бола тўғма нуқсон, гипотиреоид билан туғилганда, эр-хотинда юкумли касалликлар аниқланса, аёлда қалқонсимон без, қандили диабет ва бошқа эндокрин касалликлар мавжуд бўлса...

Болалардаги тўғма нуқсонларга олиб келувчи сабаблар юзасидан маслаҳат олиш учун сиз Скрийнинг марказларига мурожаат қилишингиз мумкин.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Япониядаги фирмалардан бирининг мутахассислари ўғирлаб кетиш мумкин бўлмаган автомобил яратдилар. Гап шундаки, автомобилга ҳидни аниқлайдиган мослама ўрнатилган. Машинага ўтириб қалитни бураш олтидан ҳайдовчи салондаги ана шу махсус қурилмага бир неча бор пуфлаши керак. Агар ҳид автомобил эгасиники бўлса мотор ўт олади.

● Ўрта Осиё қўлларида учрайдиган, қизилмия ўсимлигининг аjoyиб хусусияти бор. Унинг ярқираган қизғиш — бинафша рангли гули ер остида чўчүк сув борлигидан дарак берад экан. Агар ўсимлик гуллари ранглар бўлса, у ўсган ердаги сув шўр деяверинг.

● Флорида ярим оролида аjoyиб бир дарахт ўсади. Унинг мевалари ироқи совундан асло қолишмайди. Совун дарахтининг мевалари билан ювилган хўжалик ашёлари ҳамда кийим-кечаклар тезда доғ ва кирлардан тоза бўлади.

● Маълумки, кўп кишилар уйқуси бузилишидан нолишади. Шу тўғрйли айримлар дори ичиб, ором олишга ҳаракат қиладилар. Бироқ у тангага зарар етказиши. Шарқ табобатида қадимдан тинчлантирувчи ва оғриқ қолдирувчи омил сифатида хмел ўсимлигининг гули тавсия этилган. Унинг фойда беришини замонавий тиббиёт ҳам тасдиқлади. Бунинг учун хмел ўсимлиги майдаланади, сўнгга икки ош қошиқда олинди, чит матодан тикилган халтачага солинади, оғзи тикилади. Кейин у бир неча ой ёстиқ остида сақланиши лозим. Шунда уйқу раван ва тинч бўлади. Бу ўсимлиқнинг таъсир этиш моҳияти ҳали аниқланмаган. Баъзи тахминларга кўра ўсимлик таркибидан учувчан моддалар, қўрпа атрофидаги ҳавони тўйинтириб, асабни тинчлантирад экан.

● Сиз билан биз ҳар кун истеъмол қиладиган чойнинг қачон пайдо бўлганини биласизми? Хитойликлар чойнинг мулоим кўзгатувчи таъсирини бундан тўрт минг йил илгари ҳам билишган. Европада у атиги уч юз йил олдин келтирилган эди. Фақат XVII асрнинг бошларидагина Европа ва Шимолий Америкада чой ича бошладилар. Шундан кейин чойнинг энг аъло навларини бу ерларга ташиб келтиришга мўлжалланган «Чой клепирлари» деб номланадиган тез юрак кемалар ҳам пайдо бўлди. Инглизлар Ҳиндистоннинг Ассам шаҳрида ёввойи ҳолда ўсадиган чой буталарини кўриб қолишади. Биологлар эса хитойликлар чой уруғини Ҳиндистондан олиб келишган деб ҳисоблашади. Бора-бора дастлаб Ҳиндистонда, кейин эса Сарандиб — Цейлонда катта чойзорлар вужудга кела бошладилар. Чой бутасининг икки тури мавжуд. Хитойда уларнинг бўйи бир метр га етади. Ҳиндистондаги буталарнинг бўйи эса 6 метр баландиликкача етиши мумкин. Яна шунга айтиш керакки, халқлар ичидан энг хойбўри инглизлардир. Улардан ҳар бири йилига тахминан 4 килограммча чой ичса, америкалик 0,5 килограмм чой билан қияланади.

● Япониядаги «Кабушикикайша Акита» фирмаси мутахассислари кўзқорининг антика навини яратдилар. Бу нав мазаси, ҳиди ҳамда озуқавий хусусиятлари билан худди пиширилган биштексини эслашади. Кўзқорин 40-50 кунда етиштирилади. Эътиборли жиҳати шундаки, у витаминларга, фойдали маъданларга бой бўлиб, оқсилли омилларни сақлаш борсида гўштдан асло қолишмайди.

● Ботаникларнинг ҳисобига кўра ер юзюда об-хавони олдиндан айтиб берадиган ўсимликларнинг 400 га яқин тури мавжуд экан.

● Стамфорд университети ўқитувчиси Пенан Паттерсон ўн йил давомида иккита горилла билан машғул ўтказиб келмоқда. Како лақабли ургочи маймун яхши натижаларга эришяпти. У деярли мингга яқин сўзни тушунади ва уларни кар-соқовларга ўқшаб тушунтира олади. Мишель лақабли эркак маймуннинг эса сўз бойлиги анча камроқ. Шунга айтиш керакки, иккала горилла ҳам машғулот давомида сурат чизишга қизиқиб қолган. Улар ҳатто унча катта бўлмаган суратлардан нусха ҳам кўчира олади.

● Перу саҳроларида «куманжирнинг чопқиллаб юрадиган» тури учрайди. У бошқа ўсимликлардан фарқли ўлароқ, илдири тизими ўрнига махсус ўсимта ва ўткир тиканларга эга. Куманжир кум буронлари, қаттиқ шамол эсган тарафга қараб, думалаб «саё-хатта» чиқади. Қизғиш шундаки, бу турдаги куманжир бутун танаси билан ҳаводан, унда мавжуд бўлган ҳаётбахш омиллардан озиқланиб ўсади.

● Нусхасининг қўлги билан учинчи ўринда турадиган машҳур «Майнити исимбўн» газетаси Япония радио-электроника соҳасида юқори кўрсаткичларга эришган. «Шарп» фирмаси билан ҳамкорликда жаҳонда биринчи бўлиб электроника усулига асосланган чўнтак газетасини чиқаришга эришдилар. Бу пейзажнинг тақомиллашган тизимига асосланган бўлиб, ҳафтада беш марта чиқади. Электрон газета соҳиблари чўнтак калькуляторидек келади электрон экранда кунига камида 160 сўздан иборат 180-200 та мақолани ўқишлари мумкин. Мақолалар кунига турли янгиликлар билан икки марта янгиланади. Газета тахририятининг келажақда ўз обуначиларини яна бир неча миллион кишига қўнайтиришга имконлари етарли. Бу янгилик ҳозир тансиқ бўлган 100 минг тонналаб қоғозни тежаш ҳамда муштарийларга қулай шaroит яратиш, янгиликлардан ўз вақтида, тезда хабар топиш ва вақтни тежаш имкониятини яратди.

● Ҳар бир организм таркибида сув мавжуд. 70 килограмм оғирликдаги одамда тахминан 45 килограммга яқин сув бор. Тўқималар қанчалик тез ишласа, сув шунчалик кўп сақланади. Бош мия тўқималарида сув 85 фоизга яқин бўлгани ҳолда бошқа ёғ тўқималарида унинг ярмини ташкил қилади. Ўрта яшар одам ҳар кун икки литрга яқин сув ичади (бунга озиқ-овқат таркибидagi сувлар ҳам қиради). Шу билан бирга шунча миқдорда суюқлик ажратади. Натижада бир ой давомида оғирлигимиз қанча бўлса, шунча сув истеъмол қилар эканмиз.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР НОДИРА

Дунёни ишвасига мағрур бўлма зинҳор —
Ким, даҳр бебақодур, оламни йўқ вафоси.

Бадхонлар ҳамиша оламда хор бўлғай.

Айтурға арзаймайдур оламни можароси.

Васл боғининг меваси ҳаёл билан ҳосил бўлмайди,
югургани билан тонг шамолига гул бўйидин нима
фойда.

Муҳаббат иқлимида инқилоб бўлмайди.

Муҳаббат жомининг наъси бошқача, май мастлиги,
эса, узангига кўйилган оёқ каби (вақтинча) дир.

Дунё мисли бир ойинадир, унга рўпара келганларнинг
ҳаммаси ўтиб кетади.

Жаҳон боғида хору ҳаслар келар кўлига этакининг
тутқизма.

Эй дағал нафс, сен кимсан ўзинг, ҳаммага фарзандсан,
сенинг туғилганингдин дунё онаси ғаму
ғусса тартади.

Иш бошқая, журъат ҳақида лоф уриш бошқача.

Шунга саяйи ҳаракат қилгинки, яхшилик билан
номинг чиқсин, дунёда яхши ном — кишининг яхши
асари бўлиб қолади.

Караму эҳсонинг дастурхони саломат бўлса, ҳалойиқ
пашшадек у шакарга югуради.

Иттифоклик билан бириккан бармоқлар қиличнинг
ишини қиладилар.

Мушт қилинган панжа хайру эҳсон файзидин маҳрум.

Илоннинг оғзига бармоқ текизиш ярамайди.

Панжаларинг ҳиммат кўли билан ишлай олса, па-
сткаш кишиларнинг дастурхонига қўл узатма.

Агар толиб бўлсанг (билмоқни истасанг), бармоқлар
сенга мударрис (муаллим) бўлиб, жанг вақтида
ҳам сенга нафок (ривож) йўлни ўргатади.

Хусн ўтдир, дил унинг самандаридир, ишқ офатдир,
дард унинг лашкардир. Ишқ денгизу унинг
лангаридур, ғам тўфону дил унинг ғаввосидир.

Бедардлар олдида ишқ сирларини ошкор этма.

Ақлсиз гадо қаттиқ тошни гавҳар деб ўйлайди.

Ҳақ олдида қишлоқ терларининг қиммати бордир.

Баланд мартабали бўлишни хоҳласанг, кўнглингини
соф қил.

Кимки тўғрилиқда танилган бўлса, у нафсни тиймоқ
боғининг сарви озодидур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

СПОРТДА ЧЕМПИОНЛИК ШОҲСУПАСИГА КЎТАРИЛИШ ОСОН ИШ ЭМАС. БУНИНГ УЧУН БУТУН БОРЛИҒИНИНГ ЎЗИНГ СЕВГАН СПОРТ ТУРИГА БАҲШИДА ЭТИШИНГ, МАШҒУЛОТЛАРДА ДОИМИЙ РАВИШДА ЯНГИ УСУЛЛАРНИ ЎРГАНИШ, МУТТАСИЛ ТЕР ТЎКИШИНГ КЕРАК.

Олий тоифали мураббий, самбо бўйича республика ўсмирлар терма жамоаси устози Роман Шарипов ўз шогирдларига айнан ана шундай ўғитлар бериб, чемпионлик сари етаклайди. Жонкуяр устознинг ўғитларига қўлоқ тутиб, уларни бекаму кўст бажарувчи ёшларни албатта муваффақият кутади. Бу борада мисоллар кўп. Жумладан, 2003 йилги жаҳон чемпиони Илья Сагиров, 2006 йилги Осиё чемпиони Нодир Учметов, 2008 йили қўтқа чемпионлигини кўлга киритган Сербон Ернарзоров, жаҳон чемпиони Елена Близнецова, қатор халқаро мусобақалар ғолиби Евгений Туроповлар шулар жумласидандир. Ушбу спортчилар Р.Шари-

повнинг энг яхши шогирдлари сирасига қиради. Хозирда эса жорий йилги масъулиятли турнирлар олдидан ўсмирлар терма жамоасининг машғулотлари ўтказилмоқда. Бунда албатта мураббий бош ролни ўйнайди. Ахир устидан ошириб отиш ёки бошқа чиройли усулларни амалга ошириш техникасини асосий ўргатувчи мураббий-да.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТДА: ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган машғулотдан лавҳа. Алексей Попов олган сурат.



ҒАФФОРОВ “РУБИН”ТА ЎТАДИМИ?

1992 йилда туғилган ФУТБОЛЧИЛАРДАН ТАРКИБ ТОПГАН ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ЕТАКЧИ ҲУЖУМЧИСИ АЮБХОН ГАППАРОВ РОССИЯ ЧЕМПИОНИ — “РУБИН” ЖАМОАСИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАР ТАРКИБИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ҚАТНАШИБ, РОССИЯЛИК МУРАББИЙЛАРДА ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

«Пахтакор» футбол мактаби тарбияланувчиси Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сафида Осиё чемпионати-нинг саралаш ва финал мусобақаларида ишончли тўп суриб, мухлис мутахассислар эътиборини қозongan. Агар «Рубин» жамоаси билан ўтказилаётган музокарада томонлар бир тўтамга келса, А.Гаппаров Россия чемпиони ўринбосарлари таркибиде тўп сураётган ҳамюртларимиз — Вагиз Галиулин, Вадим Афонин ҳамда Дарон Мирзаев сафига қўшилиди.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР ИТАЛИЯДА ЎЙНАЙДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9-23 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ ИТАЛИЯНИНГ ВИАРЕДЖИО ШАҲРИДА ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН «СОРРА CARNAVALE» АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИРИГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН ҚИРҚТА ЖАМОА ЎНТА ГУРУҲГА БЎЛИНДИ.

Олтимиш биринчи маротаба ўтказилаётган мусобақада юртимиз шарафини «Пахтакор» футбол мактаби вакиллари ҳимоя қилади. Қуръа ташлаш маросими натижасига кўра, ёш пахтакорчилар тўртинчи гуруҳда Италиянинг «Сампдория», «Болонья» ва «Римини» жамоалари футбол мактаблари тарбияланувчилари билан рақобатлашади.

Боҳир БЕК

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Машҳур композитор Россини ҳузурига ёш бастакор келиб, янги асарини тинглаб кўришни илтимос қилади. Россини партитурани диққат билан кўздан кечиргач, кулимсираб шундай дейди:

- Нима ҳам дердим, сизнинг асарингизда ажойиб, янги нарсалар бор, аммо ажойиблари янги эмас, янгилари эса ажойиб эмас!..

Кўнлардан бир кун Москвадаги «Шоирлар кафеси»да Прокофьев ўзининг «Шайтон вавсасаси» деган фортепьяно пьесасини ижро этади.

Кафеда Маяковский ҳам ўтирган эди. У бир четда ўтириб ниманидир астойдил чизар эди.

Концертдан кейин Прокофьев ўз портретини шундай дастхат билан олади: «Сергей Сергеевич Владимир Владимировичнинг энг нозик асаб торларини чертмоқда».

Италян композитори Руджеро Леонкаваллонинг «Масхарабозлар» операси кўриги бўлаётган эди. Шу маҳал кутилмаганда залда кўнжи баланд этик ва чавандозлар кийимини кийиб олган бир барзанги пайдо бўлади. Композитор бу номаълум кимсанинг ёнига бориб, унга миннатдорчилик билдиради.

— Хўш, нима учун менга раҳмат айтаясиз? — барзанги хайрон бўлади.

— Сиз бу ерга яна отингиз билан келмаганингиз учун шукр қилаям! — дея жавоб қилади композитор.

Вена кўчаларида бир тиламчи Моцартдан садақа сўрайди. Моцарт унга бир нима бермоқчи бўлиб чўнтагини қараса пули йўқ экан.Шунда у тиламчидан кутиб туришини сўрайди ва бир неча лаҳзада менуэт ёзиб беради. Кейин асарига хат илова қилиб, тиламчига узатади ва ноширга учрашини маслаҳат беради.

Тиламчи ишонқирамай ноширга учрайди. Ношир ҳалиги асар учун мўмайгина пул берганда у хайратдан лол қолади.

Польшалик композитор ва скрипкачи Гражина Бацевич ўзининг скрипка учун концертини оркестр билан машқ қилаётган эди. Карнайчининг ижросидаги ношудлик туфайли ҳар гал бир ишқаллик чиқиб турарди. Ниҳоят, карнайчи яхшигина дакки эшитди.

Ҳаммасини янгидан бошлайдилар. Шунда карнайчи композиторнинг ноёб эшитиш қобилияти борлигини унутиб, ўзича мингирлайди:

— Бацевич хотиним бўлганда эди, уни захарлаб ўлдирган бўлардим!

Скрипкачи шу заҳоти эгри қозикча эгри тўқмоқ қаби-
лида жавоб қилади:

—Сиз эрим бўлганингизда мен ҳам иккиланмай за-
ҳарни ичардим!

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади

РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИФА) ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИНИНГ 2008 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. ҚОИДАГА КЎРА, ФУТЗАЛ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ РЕЙТИНГИ ЙИЛИГА БИР МАРОТАБА ЯНГИЛАНДИ.

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ФИФА рейтингда аввалги ўрнини сақлаб қолди ва яна ўн тўққизинчи поғонада қайд этилди. Бу кўрсаткич бўйича футзалчиларимиз Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида кучли тўртликдан жой олган.

ФИФAnинг умумий рейтингига Бразилия терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Испания терма жамоаси иккинчи қаторни банд этган бўлса, италиялик футзалчилар учинчи ўринда бормоқда.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ЭЪТИРОФИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (IFFHS) ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАҚАМЛАРИ ВА ЭНГ КУЧЛИ ЧЕМПИОНЛАРИ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

2008 йилги футбол мавсуми ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов учун муваффақиятли бўлди. Утган йили жаҳон ва қўтқа миқёсида ўндан зиёд халқаро учрашувларни юқори савияда бошқарган ҳамюртимиз IFFHS томонидан саксон учта мамлакат мутахассислари ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, дунёнинг энг кучли йигирма беш нафар ҳақами қаторига қўшилди.

Мазкур танловда кучли учлик италиялик Роберто Розетти, словакиялик Любош Михел ва бельгиялик Франк Де Блекердан таркиб топган бўлса, Р.Эрматов рўйхатнинг ўн еттинчи поғонасидан жой олди. Бундан ташқари, 2008 йилда Осиё ҳамда Ўзбекистоннинг энг яхши ҳақами, деб эътироф этилган Р.Эрматов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва қўтқамиз ҳақамлари орасида халқаро ташкилот рўйхатига киритилган ягона номзод бўлди.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ду-



ХАЛҚИМИЗДА “ҚЎЛИ ҚИЙШИҚНИНГ ЙЎЛИ ҚИЙШИҚ” МАҚОЛИ БЕЖИЗГА ТИЛГА ОЛИНМАЙДИ. НЕГАКИ, ЎЗГАНИНГ МУЛКИГА КЎЗ ОЛАЙТИРИБ, ПЕШОНА ТЕРИ ОҚАЛИ ТОПИЛАДИГАН РИЗҚ-НАСИБАДАН ЮЗ ЎГИРГАН КИШИНИНГ КОСАСИ ОҚАРМАСЛИГИНИ ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ ИСБОТЛАГАН.

1962 йили Тошкент шаҳрида туғилган, аллақачон 46 ёши қарши олган Рауф Иноғомов (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам эгри йўлдан қайтмаётганлардан бири. У содир этган жиноятларнинг аксари ўғирлик, талончилик кўринишида бўлиб, мазкур жиноятлари сабабли муқаддам тўрт маротаба жиноий жавобгарликка тортилган. Жумладан, 1985 йил 31 май куни Собир Раҳимов тумани судининг ҳукмига кўра ЖКнинг 204-

моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йил шартли меҳнатга жалб этилган. 1992 йил 27 октябрда айни шу туман судининг ҳукми билан ЖКнинг 125-моддаси 1-қисмига кўра айбдор деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолингани ҳолда 2 йил ахлоқ тўзатиш ишлари жазоси тайинланган. 1998 йил 25 августда Сергели тумани судининг ҳукмига биноан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция хайъатининг 2005 йил 18 ноябрдаги ажримига кўра, унинг жиноий хатти-ҳаракатлари ЖКнинг 25, 169-моддаси 2-қисми “а” бандига қайта квалификация қилиниб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. 2005 йил 2 декабрдаги “Амнистия

тўғрисида”ги қарорга асосан жазодан озод қилинган. Афсуски, Р.Иноғомов муқаддам содир этган жиноятларига қўрилган қоралардан тегишли хулоса чиқармай яна ўғирлик кўчасига кирган.

Хусусан, ўтган йилнинг 23 апрель куни таҳминан соат 08.30 ларда ўзга-

нинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида шахримизнинг Яккасарой тумани, Мукимий кўчасида жойлашган автобус бекатида яқинлашаётган 80-сонли йўналишдаги автобус салонига, фуқаро Максуда Шаропованинг қўлидаги чарм сумкадан умумий баҳоси 150.000 сўмлик “NOKIA-6070” русумидаги уяли телефон аппарати ўғирлаб олади ва жамоат транс-

порти тўхташи билан воқеа жойидан яширинишга уринади. Бироқ энг олғир ўғирларга хос чапдастлик ҳам кези келганда панд бериши мумкин экан, Р.Иноғомов Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят-қидирув бўлими нозирлари томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида қўлга олинди. Холислар иштирокида ўтказилган текширув чоғида Р.Иноғомовнинг чўнтаклари кўздан кечирилганда фуқаро Максуда Шароповага тегишли

“NOKIA-6070” русумидаги уяли телефон аппарати ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган ва жабрланувчига қайтарилган.

Мазкур ўғирлик билан боғлиқ жиноят иши тергов жараёнида ҳам ўз тасдиғини топди.

Одил судлов ушбу жиноят билан боғлиқ барча тафсилотларни ўрганиб чиқиб, ЖКнинг 25, 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилиб Р.Иноғомов 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлди.

...Қадимда ўғирлик билан шугулланишни орзу қилган йигит

қўли қингирлар гуруҳига қўшилибди. Тўдада-гилар саҳийгина экан: янги қўшилган ше-
килар шарафига зиёфат берилибди. Йигит дастурхонга тортилган ошга қўл узатибди. “Э-э, шовмасинлар, тақсир, дебди ўғрибоши. Ошини ўнг қўлда эмас, чап қўлда энг”. “Нега энди?” деб сўрабди йигит. “Чунки сиз-у бизнинг касб “нозик”, мабодо қўлга тушиб қолсангиз аввал ўнг қўлингизни кесмишлар тайин. Олдидан чап қўлга ўрганиб бормасангиз ўзингизга қийин бўлади”, деб жавоб қайтарибди ўғрибоши. Эгриликнинг бу қадар тўқмоқли ҳикмати борлигини англаб этган йигит минбаъд ўғирлик кўчасига кирмасликка онт ичиб, даврани тарк этган экан.

Қиссадан хисса чиқармоқликни ҳукмингизга ҳавола қилдик.

ҲАМРО БЕРДИҚИЛИЧЕВ,
жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.

ХИДИРАЛИ ПАНЖИЕВ,
журналист

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

НОЖЎЯ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

нинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида шахримизнинг Яккасарой тумани, Мукимий кўчасида жойлашган автобус бекатида яқинлашаётган 80-сонли йўналишдаги автобус салонига, фуқаро Максуда Шаропованинг қўлидаги чарм сумкадан умумий баҳоси 150.000 сўмлик “NOKIA-6070” русумидаги уяли телефон аппарати ўғирлаб олади ва жамоат транс-
порти тўхташи билан воқеа жойидан яширинишга уринади. Бироқ энг олғир ўғирларга хос чапдастлик ҳам кези келганда панд бериши мумкин экан, Р.Иноғомов Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят-қидирув бўлими нозирлари томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида қўлга олинди. Холислар иштирокида ўтказилган текширув чоғида Р.Иноғомовнинг чўнтаклари кўздан кечирилганда фуқаро Максуда Шароповага тегишли

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4554 нусхада босилади.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер
марказида терилиб ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбоси акциядорлик компанияси
босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6

Топширилган вақти: 12.40



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32